



ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 204 (19.875)

1987 йил 5 сентябрь, шанба

Баҳоси 3 тийин.



МАДАНИЯТ, САНЪАТ, ТИНЧЛИК—АЖРАЛМАСДИР

ТОШКЕНТДА ҲИНДИСТОН ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИ

Икки буюқ давлат ҳаётидаги аjoyиб воқеа — СССРда Ҳиндистон миллий фестивалини йилномасига яна бир ёрқин саҳифа — Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Бу аjoyиб тинчлик ва дўстлик байрами қадимий Ўзбекистон диварида бошланди. Қадимий таърих фойдага бўлиб бугун боласи тасвирланган фестивал эмблемаси ҳинд байроғининг айнасида кўрилади. Қадимий таърих фойдага бўлиб бугун боласи тасвирланган фестивал эмблемаси ҳинд байроғининг айнасида кўрилади.

«Дружба — дост — дўстлик» сўзи байрамнинг, СССРда Ҳиндистон фестивалининг бутун моҳиятини ўз ичига муҳимасида ташвишди.

Тошкентнинг Владимир Ильич номидаги Марказий майдон таниб бўлмаган даражада ўзгарди. Майдон машҳур халқ байрами «Ўтас» ўтказилганда жойга айланди. Ҳиндистондаги маъмурият барча тил ва ҳаётларда ёзилган бу сўз колонналар узра кўзга ташланади.

Совет 18.30 минут. Ҳиндистон энергетика министри Васант Сатхе бошчилигидаги Ҳиндистон расмий делегациясининг аъзолари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзолари ва аъзолигини қўллаб қўллашчи депутатлар В. П. Анисимов, Т. А. Алимов, В. А. Антонов, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, К. С. Саликов, М. Х. Холмұхамедов, Х. Алимова, И. Х. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдаров, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Исқандаров, Қ. Х. Мамадалиев, В. В. Сударенков марказий бошқарувида жой оладилар.

Тантаналарда СССР маданият министри В. Г. Захаров ҳозир бўлди. Фестиваль очилиши маросимда Ҳиндистоннинг СССРдаги фахрли олим ва мухтор элчиси Трилоки Натх Кауль ва Ҳиндистоннинг Тошкентдаги Бош консули Йогендра Кумар қатнашдилар.

Қизлар Ҳиндистон делегациясининг бошлиғига нон-туз тутдилар, ранг-баранг миллий кийимлардаги болалар меҳмонларга гулдустлар тақдим этдилар. Ўзбекистоннинг олий ўқув юрталарида таълим оловатган Ҳиндистонлик студентлар, қадимий айналарга кўра, Ўзбекистон рақсбозлари бўйига гулшодалар осиб қўйдилар.

Тошкентда Ҳиндистон фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан шуғулланувчи ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова сўз берилди.

Бу таълим фестивалга ўз қўсимида кўра, бир буюқ халқ бошқа буюқ давлат халқ аълоларини ўз диварида меҳмондўстлик ва ҳушқўллик билан кутиб олаётганлигининг ноёб намунасиндир, — деди у. — Бу фестивал тинчлик, эҳтишом ва ҳамжамиятлик идеалларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу катта халқаро аҳамиятга эга воқеада кўп қиррали ва самарали Совет — Ҳиндистон ҳамкорлигида янги сиёсий ҳамдир. Фестиваль энг аввало, кўп эркин дўстлик ришталари билан боғланган халқларнинг, ўзларининг маънавий ҳазинасини барча аҳли инсониятнинг савийлиги билан баҳам қўлаётган ва бу билан чинакам ҳамжамиятлик ва дўстлик сари энг тўғри йўлни очиб бераётган халқларнинг дийдор кўришува байрамидир. Совет кишилари бу учрашувдан астойдил қувонадилар ва уларнинг қалби тўри барча учун очилди.

Биз бу ерда, улут Ленин ҳайкали пайда ўзминининг инсонпарварлиги, тинчлик ва соҳиялик олимонам гоғларига содиқлигини яна ҳам қўқуқроқ айтишимиз. Революция буюқ йўлбошчисини маънавий майдон айланиш учун ерда, маъна шубинода 1966 йилнинг январинда Тошкент декларациясини имзолаганлиги билан ҳам биз учун муқаддасдир. Айни ўша кунларда республикамиз пойтахти — Тошкент — тинчлик ва дўстлик шаҳрига деган нбора юзага келди ва ҳозирги кунда мустаҳкам қарор топди.

Республикамиз Ҳиндистонга қадимдан қизиқиш билан қарарди. Биз дўст халққа исботан ўзимизнинг алоҳида ҳурмат-эҳтиромимиз, самимий меҳр-муҳаббатимиз ва ҳайрихоҳлигимизни яширмаймиз. Чунки мана шу эзу туйғулар ҳар иккала халққа хос ҳусусият эканлигига ишончимиз қатъий. Бу фикрнинг қўллаб-қўллагичи ҳақ тасдиқлайди. Тошкентдаги мактаблардан бери Лаъз Баҳодур Шахри номи берилган, халқ севган маданият саройларидан бири тинчлик учун тоғлама кураши Индра Гандининг номи билан аталади. Яқинда Ўзбекистоннинг Қашқадарь областида ҳам халқ халқи буюқ қизининг номи берилган мактаб очилди. Тошкентда халқ тили ўқитиладиган 24-мактабда Рабиндранат Тагор номидаги интерактив дўстлик клуби ташкил этилган. Республикада «жўда» Ҳиндистон мазмуни катта ўрин олган кўпгина шоирлар, адиблар, рассомлар, композиторлар, кинематографчилар яшаб, ижод қилмақдалар. Ўзбекистон ССР халқ артисти Латиф Файзиев Ҳиндистонлик экран усталари билан биргаликда бир қанча бадиий фильмлар яратган. Рассом Рўзи Чориев ўзининг туркум полотноларини дўст мамлакатга бағишлаган. Аjoyиб ўзбек шоираси Зулфиянинг ижоди «Нулфар» муқофоти билан тақдирланган. Ҳиндистонда қилинган сафар Нурлила Зокировани янги музака асарлари яратишга илҳомлантирди.

Ўзбекистонда хинд авторларининг асарлари кўп таъриқларда нашр этилмоқда, хинд фильмлари ҳафталиги мунтазам ўтказилиб турибди. Экономика, илм-фан, техника, соғлиқни сақлаш системасининг кўпгина соҳаларида ҳамкорлигининг имлохобаш намуналарини кўриш мумкин. «Ўтас» — хинд миллий байрамнинг, шунингдек СССРда Ҳиндистон фестивали доирасида бошқа кўпгина тадбирларнинг Ўзбекистонда ўтказилиши халқларнинг яқинлаштиришида ва энг муҳими — бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашда яна бир қадим қўлиш имконини беради. Халқларимизнинг тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашдан кўра муҳимроқ вазифаси бўлиши мумкин эмас. Меҳорларлар Неру мана шу эзу айналарга асос солиди, бу дўстликни Индира Ганди, ҳар иккала давлат халқлари тинчликни қўқ-ғайратлар билан мустаҳкамладилар. Бизнинг кўпчилигимизда бу дўстлик аjoyиб тарзда давом эттирмоқда. 1986 йилнинг ноябрыда Михаил Сергеевич Горбачев билан Ражив Ганди имзолаган Деҳли декларациясининг бунинг дилидир.

Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқидagi ва Совет Иттифоқининг Ҳиндистондаги фестиваллари Улуғ Октябр социалистик революциясининг 70 йиллигига ҳамда Ҳиндистон мустақиллигининг 40 йиллигига бағишланган. Мамлакатларимизнинг маънавий меросини, ўтмишининг қадрамонона айналарини ёшларимиз ривожлантирмоқда ва қўлайтирмоқдалар. Ингит ва қизлар соҳия адолат ва чинакам эркинлик учун, эҳтишомлик ва ирқчилик, тенгсизлик ва жабр-зулм, милитаризм ва агрессия барҳам топиши учун астойдил курашмоқдалар.

Пироваданда С. У. Султонова бундай деди: Биз КПСС XXVII съездин қарорларини рўйга чиқариш соҳидаги тинч бунёдкорлик меҳнатини кўпгина ютуқларга эришдик. Ингит-ингит заводалар, касалхоналар, мактаблар, уй-йўллар барпо этилди. Бироқ янада кўпроқ ишларни амалга оширишимиз керак. Чунки Ватан бутун кўп миллилат халқининг фаровонлиги — партиямиз ва Совет давлатимиз сиёсатининг олий мақсади. Сиз Ўзбекистон мисолида экономика, илм-фан ва маданиятнинг турли соҳаларида республика меҳнаткашлари эришган ютуқлар билан афродилча танишишимиз мумкин. Шу мақсадда Ҳиндистонлик дўстларга саноат корхоналари ва илмий тадқиқотлар лабораторияларида, колхоз ва совхозларда, мактаблар, музейлар ва паркларда бўлиш имконияти берилди. Серкуёш республикамизнинг барча томонларида фестивал қатнашчиларини айнавий ҳушқўллик, меҳмондўстлик ва самимият билан кутиб ола-

дилар. Биз Ҳиндистоннинг СССРдаги фестивалини республиканинг илмий борича кўпроқ меҳнаткашлари кўришлари имконият яратишга ҳаракат қилимиз.

Ҳиндистон делегациясининг бошлиғи, Ҳиндистон энергетика министри Васант Сатхе микрофон ёнига келди.

Ҳиндистонда «Ўтас» энг секинли халқ байрамларидан биридир, — деди у. — Одамлар ўз ҳаётидаги энг муҳим ва қувончли воқеаларини иш-шайлар учун тантаналарга тўла-надилар. Шу сабабли «Ўтас» Тошкентга келганлиги чўқур рағбатли маънога эга. «Ўтас» СССРда Ҳиндистон фестивали янги саҳифасини очди.

Биз «Ўтас» халқларни бир-бирига яқинлаштириш, улар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, уларни янада яқинлаштиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз. Ана шу яқинлик азалли ва мустаҳкам айналарга эга бўлиб, унинг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳиндистон ва Ўрта Осиё Совет республикалари территорияларидаги жуда кўп археология қазилмалари шу ҳақда далолат бермоқда. Ўзбекистон территориясидаги кўпгина топиламадаги портрет халқли техникаси Матхура санъатига ҳамоҳангдир, архитектура, тасавирий санъат, ҳунармандчилик соҳаларида маданият меросининг муштараклиги сезилмоқда. Бир тарихий мисоли — Ҳиндистонинг Ўрта Осиё билан боғланган Ипек йўлини эслаб ўтиш кифойдир.

Муносабатларимизнинг кўп таъриқ тарихида халқларнинг илмий маданиятга, санъатга, айналарга ўзаро қизиқиши ҳамisha ўзгармас бўлиб келди. Ҳиндистоннинг СССРдаги фестивали халқлар биланнинг боитишга, бир-бирларини ҳашироқ билиб олишларига ёрдам беради.

Шуниси ҳам муҳимки, кўдаим жихатдан мислсиз маданият тадбир Ҳиндистон ўз мустақиллигининг 40 йиллигини байрам қилаётган, совет-

лар мамлакатни эса Улуғ Октябр социалистик революциясининг 70 йиллигини нишонлаётган шонли бир пайтда ўтмоқда.

Биз мана шундай янги учрашувларни, мамлакатларимиз ўртасидаги самарали мулоқот давом этишини сабрсизлик билан кутамиз, деди сўзининг охирида нотик.

Фестиваль очик, деб эълон қилинди. Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи, Ўзбекистон ССР Гимнлари янгради.

Тантана замин ва одамларни, меҳнат ва тинчликни шарофловчи ёрқин байрам рақси билан бошланди. Биржў Махараж раҳбарлигидаги рақс коллективи томошабинларга кўрсатган «Катка» бетакор томоша бўлди. «Ўтас» байрамнинг мана шу ўзига хос мўъжизаси, унинг ёрқин бўлиб ва кўйлардан ташкил топган аjoyиб манзараси 50 мингга яқин киши тўпланган майдондаги томошабинлар кўз ўнгига ёрқин намоён бўлди.

Биржў Махараж Ҳиндистон маданиятининг атоқли арбобларидан бири. У саҳналарига классик халқ рақс оралигидаги таъриқларда ҳам машҳурдир. У Тошкентдаги тантаналарга янги рақс композициясини тайёрлаб келди. Тошкент давлат университетининг доценти Мухтор Шапанов бу рақс спектаклидан таъсирланган: жуда аjoyиб мислсиз томоша, — деди. У Ҳиндистонда узоқ вақт яшаган ва ишлаган, дўст халқнинг урф-одатлари ва айналарини яқин билиди.

Тошкент аҳолиси ва пойтахт меҳмонлари байрам бошлангичидан бирмунча олдин гавжум ярмарка томоша қилдилар. Бу ердаги тўпланган павильонларда хинд аjoyиб буюмлари билан қизил савдо қилинмоқда. Халқ усталари асган буюмлар, жумладан мисдан тайёрланган буюмлар ўзбек усталари санъатини эслатади.

Ҳиндистон ҳақида ҳар биримиз кўп нәрса биламиз. Бу ҳақдаги билимларимиз мактаб дарсликлари билангина

чекланмайди. Бу мамлакатни ҳақли равишда антиқа этнография музейи, деб атайдилар. Ингитме беш штатнинг ҳар бирида ўзига хос ифодали санъат мавжуд. «Ўтас» Ҳиндистон ҳақидаги назимий ҳикоя, деса бўлади.

Биз республиканинг асосий майдонда КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бirlашмасининг тоқирлар бригадирини Владимир Одилов билан учрашдик.

Таассурларимизни сўз билан ифодалаш қийин, — деди у. — Шу пайтгача мен Ҳиндистон ҳақида кўп ўқиганман, айнагани телекўрсатувларини томоша қилганман. Аммо бу ерда кўрганимнинг олдига буларнинг ҳаммаси қираловчи қолмади.

Турли мамлакат аълоларининг жонли алоқаси ўрини ҳеч нараси босолмаслигини ҳозирги байрам ана бир бор тасдиқлаб турибди. Бир-бирларининг фикрининг яхшироқ тушушмоқ учун тез-тез учрашиб туриш керак. Ҳиндистоннинг СССРдаги фестивали икки буюқ давлат тарихига энг ёрқин саҳифа бўлиб қиришига ишончимиз қатъий. М. С. Горбачев билан Р. Гандининг Москва Кремли ҳолисига эккан Химоял кедр — деодар шу дўстликнинг рамзидир. Бу дархатнинг илдизлари икки азиям дарв-Ганг ва Волганнинг суви қуйилган. Бу дархат осмонга бўй чўзаверсин, қардошчилигимиз эса мустаҳкамланаверсин!

Байрам давом этмоқда. Таянчларининг томоша ўн битта соҳиби майдондаги на эмас, суеда ҳам ваҳига чиқди. Катта фонтан сувидан ҳосил бўлган кўла соҳиби ваҳига пайдо бўлиб, унда қадимий ибодатхоналардаги суратларга бахисли жон киргандек, хинд рақсбозлари хиром эга бошлайдилар. Меҳмонлар кўрсатилган классик рақслар ўз юртидан бошқа мамлакатларда ҳам донг таратган. Машҳур коллективларнинг рақсига ва рақсбозлар Ўзбекистон театрларининг саҳналарида неча мартабала ўз санъатлари билан томошабинларга завақ бағишлаганлар.

Аммо бугунги ўзаш учрашувлар бўлмаган эди. Улуғвор спектакл бири-бирдан аjoyиб бўлган турли мактабларнинг намоёндалари билан танишиш имконини берди. Ўзбекистон Ингит ва қизлар учун фестивал бундан икки кун аввал бошланган эди. Республика комсомолни Марказий Комитетининг иккинчи секретари Евгений Гревцов фестивалнинг ёшларга аталган программаси ҳақида гапирди:

— Утган кўнлар воқеаларга боя бўлди. Ёшларнинг «Илҳом» ижодий клубида хиндистонлик тенгдошлар ҳақида ҳикоя қилувчи аниставка очилди. Маданий айналаримиз воқис бўлиши ёшларга яқин мавзудаги семинар меҳмонли ва қизларнинг ўтди. Меҳмонларимиз шаҳар олий ўқув юрталарида бўлидилар. В. И. Ленин номидаги республика пионерлари ва мактаб ўқувчилари саройини бориб кўрдилар. Бугунги байрам фестивал ёшлар программасининг тантанали очилиши бўлсағи, деса бўлади. Ёшлар программаси 5 сентябрь кўни В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида очилди. Кейинги кўнларда Ингит ва қизлар кўпгина қиз-қорли учрашувлар, мунозаралар ўтказишди. Қадимий Самарканд ва Бухоро, Андижон ва Фаргона, Наманган ва Наманганда меҳмон бўлидилар.

Тантаналарда Ҳиндистондаги Кернатка деган қичи шаҳар аълолари ҳам иштирок этмоқда. Жуда кўп сайёҳлар учун «Ўч дегикс ошан йўл очиб берган теверлик савдогар Афандий Никитин» беш аср муқаддас аш шу шаҳарга борган эди. Таъ орада совет санъати аълолари ўз атайдошларини очган йўл орқали Ҳиндистонга бордилар. У ерда Ўзбекистон бадиий коллективлари ҳам ўз маҳоратларини намоийш этдилар. Дўст мамлакатнинг 2 минг нафардан зиёд меҳмур маданият ва санъат арбоблари Ватанимизда бўлидилар. Ишон руҳининг улугворлиги, ақл-заковат, эҳтишом ва адолат, юксак инсонпарварлик идеалларини қарор топириш беш минг йилдан олдин тарихга эга бўлган Ҳиндистон маданиятига ҳосдир. Халқ қадимий айналарини аялаб асрамоқда. Бу

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 3 сентябрь кўни бўлиб ўтган мажлисида КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашлар сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳасини партия, комсомол ва, қасаба союзи ташкилотларида, министрликлар ва идораларда, оммавий ахборот воситаларида

муҳомада қилиш якунларини кўриб чиқди. Бу ҳужжат идеология ишнинг муҳим соҳаларидан бирида конкрет ҳаракат программаси сифатида ҳамма жойда қўллаб-қувватланганлиги ва маъқулланганлиги таъкидланди. Лойиҳани муҳомада қилиш давомида кўп таъкидлар ва тақлифлар тушди, улар жойлардаги партия комитетлари томонидан ўрганиб чиқилди ва лойиҳани узиш-кесил тайёрлаш чоғида ҳисобга олинди.

КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарорда партия, ҳўналик, қасаба союзи ва комсомол органларига меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуриш, машғулотларнинг сифатини ва натижадорлигини тўдан яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш топширилди. Яқинлашиб келаётган ўқув йилидаёқ совет кишиларида замонавий иқтисодий тафаккурни шакллантириш, меҳнаткашлар бошқаришнинг иқтисодий методларини, тўла ҳўналик ҳисоби, ишлаб чиқариш турмушининг демократиялаш ва ўз-ўзини бошқариш шароитида ишлаш кўникмаларини эгаллашларини таъминлаш лозим бўлган иқтисодий умумий таълимни мамлакатда авж олдириб юбориш зарурлиги таъкидланди.

Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси «КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июль Пленуми йўналишларига мувофиқ, озиқ-овқат масаласини ҳал этишни жадаллаштириш юзасидан келтириб бўлмайдиган нора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда партия Марказий Комитети озиқ-овқатни қўлайтиришнинг барча маънавий ҳисобига жойда солиш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш жуда қисқа муддатларда анча қўлайтиришга эришишни энг асосий, гўят муҳим сиёсий вазифа, деб ҳисоблаётганлиги таъкидланди. Колхоз-совхоз ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш мамлакатда озиқ-овқат масаласини ҳал этишнинг мустаҳкам негизидир. Корхоналар ва граждандарнинг ёрдамчи ҳўналиклар, коллектив богдорчилик ва полизчилик имкониятларини янада тўлароқ ишга солиш мазкур мақсада эришишга хизмат қилиши лозим. Ана шу ҳўналикларни ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш мақсадида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг махсус қарорлари қабул қилинди, бу қарорлар матбуотда эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитети 1987 йил июль Пленумининг ҳўналик юритишнинг янги шароитларида моддий ишлаб чиқариш соҳаси министрликлар ва идоралари фаолиятини қайта қуриш тўғрисидаги қўрсатмаларга мувофиқ, равишда иттифоқ-республика министрликларини СССР Геология министрлиги, СССР Кўмир, саноат ва министрлиги, СССР Қора металлургия министрлиги СССРнинг — Умумийтифоқ

министрликларни қилиб қайта тузиш ҳақида қарор қабул этилди.

Шу йилнинг биринчи ярмида партия қабул қилиш якунлари муҳомада қилинди. Мазкур масалани муҳомада қилиш чоғида таъкидланганидек, партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари умумий партия сағфта кирувчиларга нисбатан талаботлигини кучайтирдилар, қайта қуриш шароитида ўзларини кўрсатган қадр ишчилар, колхозчилар, энгиллар, энгил вақилларини КПСС сағфта таянч олимни яхшиладилар. Партия аълолари ва аъзолики кандидатларнинг авангардлик ролини оширишга катта эътибор бериладиган бўлиб қолди.

Бироқ КПСС XXVII съездининг партия сағфаларини мустаҳкамлашга онд кўрсатмалардан ҳамма жойда ҳам амалий ҳўлосалар чиқариб олингани йўқ, ҳамон партия сағфаларни ўстиришни жадаллаштиришга, янги аъзоларни яқин теширишга қабул қилишга, ёш коммунистлар билан ишлашда расмийтачиликка йўл қўйилмоқда.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларига бу ишларнинг аҳволини чўқур таҳлил қилиб, кенг ошқоралик, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг фикрини эътиборга олиш асосида КПССни муносив кишилар билан тўдрилиш учун қатъий яқна тартибда таянч ҳақидаги талабларга оғишмай рўйа этилишни таъминлаш тақлиф қилинди.

Чорва моллар қишлоқини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни қўлайтириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ соҳиялиси муносабати аjoyиб кўриб чиқилди. 1986 йил октябрыда 1987 йил июнида бўлган даврда асосий чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг қўлайлиги эришилди. Энг аввало нитенсив омилар, ем-хашакдан оқилона фойдаланиш, ҳўналик ҳисобини, коллектив ва онла пудратини, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бошқа илгор формаларини ўзлаштириш ҳисобига сўт харид қилиш 5 процент, гўшт ва туҳум харид қилиш 4 процент қўлайди.

Кўпгина колхозлар, совхозлар, ҳўналикларро ва бошқа корхоналар, ташкилотлар ҳамда бирлашмаларнинг коллективлари, шунингдек бир қанча қишлоқ районлари, автоном республикалар, ўлкалар ва областлар ҳамда бешта иттифокдор республика: РСФСР, Белоруссия ССР, Литва ССР, Латвия ССР ва Қирғизистон ССР КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида мамлакат ички ҳаёти ва таъши сиёсатининг баъзи бошқа масалалари ҳам муҳомада қилинди.

ХУШ КЕЛИБСИЗ, ҲИНДИСТОНЛИК ДўСТЛАР!

Ўзбекистон пойтахтида Ҳиндистон фестивали очилиши маросимига қатнашиш учун Ҳиндистон расмий делегациясини Деҳлидан Тошкентга келди. Делегацияга Ҳиндистон энергетика министри Васант Сатхе бошчилиги қилмоқда. Делегация составида Карнатака штатининг маданият министри М. П. Пракаш, Жамму ва Кашмир штатининг маориф ва маданият министри Чоудхри Мухаммад Аслом, Махараштра штатининг маданият масалалари билан шуғулланувчи секретари С. Шанкар Менон, энергетика министри Ахияз Бхави, профессор А. Раҳмон, илгирежисёр Сароб Жит Сингх бор.

4 сентябрь кўни делегация аъзолари Тошкентнинг Марказий майдонида В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Ёзув лентасига икки тилда — хинд ва рус тилларида «Улут Ленин

га СССРда Ҳиндистон фестивали қатнашчилари ва меҳмонларидан» деган сўзлар ёзилган.

Делегация аъзолари Гитлер фашизмга қарши, бутун дунёда тинчлик учун курашда ҳаётини қурбон қилган совет жангчилари хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар. Номалум солдат қабрига гулчамбар қўйди. Гулчамбарда «Қаҳрамон жангчи» СССРда Ҳиндистон фестивали қатнашчилари ва меҳмонларидан» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзолари ва аъзолики кандидатлари В. П. Анисимов, Т. А. Алимов, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, М. Х. Холмұхамедов, Х. Алимова, В. А. Хайдаров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Исқандаров, Қ. Х. Мамадалиев, В. В. Сударенков, Ҳиндистон делегациясини аъзолари билан бирга эдилар.


Гулар ва гулчамбарлар қўйиш маросимига СССР маданият министри В. Г. Захаров иштирок этди. Маросимда Ҳиндистоннинг СССРдаги фахрли олим ва мухтор элчиси Трилоки Натх Кауль ва Ҳиндистоннинг Тошкентдаги Бош консули Йогендра Кумар ҳозир бўлидилар.

Шу кўни меҳмонлар Лаъз Баҳодур Шахри ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.


Ҳиндистон делегациясининг аъзоларини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Совет — Ҳиндистон фестивали Тошкент ташкилот комитетининг раиси С. У. Султонова қабул қилди. (ЎТАГ).



Суратларда: фестиваль тантаналарида лавҳалар. Э. Зоҳидов фотолари.



Суратларда: фестиваль тантаналарида лавҳалар. Э. Зоҳидов фотолари.



Суратларда: фестиваль тантаналарида лавҳалар. Э. Зоҳидов фотолари.

Хосил-87

ПАХТА ЙИГИМ-ТЕРИМИГА — ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК!

ПАХТАКОР УРТОҚЛАРИ!

● ПАХТА ТЕРИМИ БОШЛАНИШИГА ОЗ ФУРСАТ ҚОЛДИ. МАВСУМ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА АВЖ ОЛДИРАЙЛИК!

● ПАЙКАЛЛАРНИ МАШИНА ТЕРИМИГА ҲОЗИРЛАШ, УЛАРНИ БЕГОНА УТЛАРДАН ТОЗАЛАШ ТЕРИМ СУРЪАТИ ВА ХОМ АШЕ СИФАТИНИ ОШИРИШ ГАРОВИ.

● СИФАТЛИ СОЗЛАНМАГАН БИРОРТА «ЗАНГОРИ КЕМА» ҚОЛМАСИН!
● ҒУЗА БАРГИНИ ТУЛА ТУКТИРИШ ЧОРАЛАРИНИ КУРАЙЛИК!

ПАХТА КОМПЛЕКСИ МУМКИН ҚАДАР ТЎЛА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛСИН

яратиш ва ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш лозим бўлади.

Пахта терим машиналарининг ҳозир мавжуд бўлган олти маркасида конструктив ва ишлаб чиқариш камчиликлари бор, улар унча пишиқ-пухта эмаслиги, меҳнат шaroитларининг қониқарсизлиги сабабли меҳанизаторларга унчалик ёқмайди.

СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машина-созлиги министрлиги ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига биноан ташкил этилган тармоқларо фан-техника маркази олимларининг, лойиҳа-конструкторлар ва тажриба-экспериментал базалардан куч-гайратларини принципал янги пахта терим машинасини яратишга сарфбар этишга муваффақ бўлган йўқ. Кенг миёсдаги фундаментал тадқиқотлар авж олдирилмаган, бу соҳада қилинган илмий-техникавий ишлар етарли эмас, машиналарнинг пишиқ-пухталиги ва чидамлилигини ошириш, уларнинг параметрларини энг мақбул ҳолатга

да тайёрланмаган. Заводлардаги машина-ускуналарнинг анчагина қисми маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб қолган, тайёрлаш пунктларидаги ишларни механизациялаш даражаси паст, қабул этилаётган пахтанинг сифатини назорат қилиш учун самарали приборлар йўқ.

Ингичка толали пахтани қайта ишлашда айниқса кўп қийинчиликларга дуч келинмоқда. Қўшимча тола ажратгичларнинг ўрнатилиши ҳозир толали тўрт марта тозалаш имконини беради, бу эса унинг сифатини яхшилаш йўлини очди. Аммо толалининг куйиши натижада ҳосил бўладиган қўшимча нобудгарчиликнинг кўпайишига ҳам олиб келди. Бу муаммони ҳал қилиш учун хом ашёни унчалик ифлослан-тирмай териб берадиган машинага эга бўлиш ва пахтани дастлабки қайта ишлайдиган машиналарнинг мослашувчан технологияни қўллаш тўғрисида, камроқ нобудгарчиликка йўл қўйиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш кафолатини берувчи комплексини яратиш керак.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Х. Ҳўрабеков нутқ сўзлади.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. А. Антонов иштирок этди.

(ЎЗТАГ)



Бўқа районидagi «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Санджабдор Сулаймонов бошлик бригадаси пахтакорлари ҳалло меҳнат билан юқори ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Улар мавсумда 95 процент пахтани машиналар ёрдамида териб олинган кўзлашмоқда. Шу мақсадда терим агрегатлари пухта ҳозирлаб қўйилди, дефолиацияга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Г. ЕҲУБОВ ФОТОС.

Техника ремонти «Совет Ўзбекистони» назоратида

БОҚИБЕҒАМЛИК

БАЖАРИЛМАГАН ҚАРОР

Бир пайтлар донги чиққан Карл Маркс номли колхозда машина теримига эътибор йил сайин пасайиб борибди. Бутун умидин талаб-у ўқувига, шаҳарлик ҳапарчиларга тутган, кўл теримдан шўхрат кутган раҳбарлар техникани ўз ҳолида ташлаб қўйдилар. Қаровисиз агрегатлар хўжалик эконимикаси оёғига тушув бўлиб ётаверди. Шу боисдан колхоз ўтган йили ҳам машина терими планини барбод қилганда ҳеч ким ажабланмади. Қантариб қўйилган 37 машинадан 28 та эси далага арагт чиқарилиди. Уларнинг иш унуми ҳам нҳоятда паст бўлди.

Планда ва тадбирларда, хўжалик раҳбарларининг баландпарвоз ваъдаларида қайта-қайта тилган олинган 4335 тонна уринга хирмонча бункерлардан 1246 тонна пахта тўқилди ҳолос. Кўрм турбизини, ваъда-йрмига ҳам урдаламиди. Кўл теримига зўр берилгани эса маҳсулот таннарида муҳриланб қолди, яъни ҳар центнер пахта таннариқ пладидан 18 сўмга қимматлашди.

Хўш, бу йилги аҳвол қандай? Аввало, машина билан терим плани беш минг тоннага яқинлаштирилди. Бунга қўлдан керак, албатта! Бироқ, қарсак чалишга ҳали эрта қурилади.

Биз техника паркига келганимизда Бoльшeвeк районини РАПО кенгаши раиси Расим Абдулҳақов агрегатларини кўздан кечираётган экан.

— Бу йил антимеханизация чек қўямиз, — деди у. — Шу сабабли ремонт ишлари жадаллаштириб юборилди. Терим аппаратлари асосан тахт, тракторларда осин ҳам бошланди. Умуман районда ҳам, колхозда ҳам иш яхши борапти.

Аммо ҳарчанд уринмайлик бир соат мобайнида бу йил Карл Маркс номли колхозда нечта машина далага олиб чиқилишини аниқлади олимпиада. Колхоз раиси ваифасини бажарувчи Хайит Салимов 37 та «зангори кема» ишлайди деса, устакхона мудири Эшмамет Тошқуваев 34 тасини далага олиб чиқмади, дейди. РАПО томонидан тузилган тадбирларда эса хўжаликда 36 та машина тайёр бўлиши қайд этилган. Аслида сентябрь эшик қонқанига қарамай бир неча ишларнинг учдан бир қисми ҳали урдаланмаган.

«Механизатор У. Улуғмуродов билан суҳбатлашамиз: — Ўтган йили қанча пахта тергандини?

Эсимда йўқ.

— Қанча ҳақ олгандингиз?

— Ҳисоблаб қўрган эмасман.

— Эҳтиёт қисмлар етарлими?

— Йўқ, кўп нарса етишмайди.

Шуниси таажжубки, биз суҳбатлашган механизаторлардан бирортаси ҳам колхозда ҳосилнинг қанчаси машинада терилишини айтмади. Ваҳоланки, РАПО бўйруғига кўра 18—23 август кунлари Карл Маркс номли колхозда механизаторлар ўқувни ташкил этилиши, 25 августда эса, уларни аттестациядан ўтказиш зарур эди. Бироқ бўйруқ қорозда қолиб кетди.

Хўжалик устакхонасида асосан В. Қодиров номидаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми талабалари ишлашмоқда. Уларга шароит яратиб берилмаган. Куннинг тигида ишлаётган йиғиларнинг иссиқ оқнатига солиш учун колхоз ҳатто тўшт бермабди.

Хуллас, донги кетган колхозда ҳали бирорта ҳам машина тайёрларгани чизини олиб чиқилмаган. Бу аҳволда узоқ йиллиқ давомда яндов отган антимеханизаторлик иллатига қандай қилиб чек қўйиларкин?

РАИС НЕҒА ХАҒА ВЎЛДИ

«Чимбойобод» колхозини устакхонасида бўлганимизда қишлоқ хўжалиги машиналари инженерини Бекназар Жалилов нечта машина борлиги, бу йил қанчаси ишлаши кераклиги ҳақидаги саволларга жавоб беролмай изза бўлди. Шу ва бошқа саволларни колхоз правлений раиси Хайдар Ерқуловга ҳам берган эдик, унинг жаҳли чиқди.

— Мен бор-йўғи саккиз ойдан бери ишлайман, қаждан билман.

Нахотки саккиз ойдан бери нечта трактор борлиги, маҳсулот таннарини қанча пахта машинада терилишини ўқиб олиш қийин бўлса?

— Биздан ҳисоб-китобини эмас, ишни сурашсин, — деди раис.

Сўнг инженерга бурилди: — Сенга неча марта айтганман иш қилмасан ҳам ҳисоб-китобини қилиб юргин деб.

Қарангки, инженер ҳар иккаласини ҳам унутди. Анс ҳолда бирорта пахта терим

машинаси, йиғим-терим мавсумида ишлатилмаган агрегатлар тайёр эмаслигини қандай изохлаш мумкин?

Слесарь Эсон Авазов билан суҳбатладик. — Уйим узюда, — дейди у. — Бутун эрталаб тўрт донга парадим, бир бош узум ва битта вон олиб келган. Шун билан тушлик қилдик.

Ремонтчиларга иссиқ оқнат тайёрланмайдими? — сурайдис Хайдар Ерқулов.

— Тадбир белгиланганимиз, эртадан бошлаб...

Бир неча саҳифали тадбирни қўрайдимиз. Унда шундай жумларлар бор: «Бу йил 7512 тонна «оқ олтин» етиштирилди. Ҳосилнинг ҳаммасини ўз кучимиз билан ва олтинчи процентини машинада теримиз». Аммо гализ жумлар билан тўла-тўпган тадбирда теримга тайёргарлик, ремонт ҳақида, устакхонадагиларга шароит яратиш хусусида ҳеч нарса дейилмаган. Яна раисга юзланамиз.

— Сиз неча майда-чуйдаларга эътибор берасиз, — тўтоқди у. — Биз етарли ҳосилни дўндириб қўйдик. Керак бўлса машиналарни ўн кунда ремонт қилиб олам.

Ана энди хулосасини чиқариб олинг. Агар колхоз правлений раиси меҳнатчиларга шароит яратишни майда гап, деса бу хусусда бошқаларнинг фикри қандай бўларкин?

Большевек району ўтган йили машина теримини 37 процентга бажарганиди, холос. «Самарқанд» совхозини, «Памить Ленина» колхозини ва бошқа хўжаликларда ҳам қўлоқчилдан тегишли хулоса чиқарилди, дейиш қийин. Вақт эса ўтиб борапти.

— Бу йил районда 25 минг тонна пахта бункерлардан тўқилиши керак. Фарзандлар, опа-сингиллар тақдирини эмас, ўз макенини ўйлаётган айрим раҳбарлар ишнинг қорозда дўндириб, об-ластагиларини ҳам чағлиги юрaverишса, аввалги йиллардаги сингари доғда қолдиш ҳеч гап эмас.

Область агросаноат комитети эса ишнинг кабинет усулига барҳам бермоғи, ҳақиқий аҳволдан тўла ҳабардор бўлимоғи шарт. Ахир бу ерда нозаб саҳифалар рақамлар, режалар билан тўлдиришмоқда, натижаси эса сезилмапти.

Ж. МАМАТОВ.

Куз ҳар доимғидай ўз вақтида таширф буюрди. Лекин пахтазорларда унинг тўла-тантана қилишига бироз вақт бор. Чунки баҳорнинг кечикиши, ёзда ёққан ёмғирлар ғўза ривожини, пахтанинг қиғвос очилишини кечиктирди. Бу пахтакорлар зиммасига ҳосилни жуذا қисқа муддатда териб олиш ваифасини юклатпти.

— Бу ваифани машиналарини умумий ишлатиш тўғрисидаги илмий ҳал қилиш мумкин, — дейди Навоий область агросаноат комитети техника ремонти бўлими бошлиғи Қ. Эсонов. — Биз айтиш пайтда бутун эътиборни ана шу мақсадга қаратилдик. Шу боис терим машиналарини ремонтига ҳар қачонгидан кўра катта аҳамият берилди.

ҚОҒОЗДА ЗҮР-У, АМАЛДА...

Демак, мақсад аниқ. Бутун ваифа уни тўла амалга оширишда қолган. — Область агросаноат комитети маълумотлари бу ишларнинг ҳам қўйилмайдиган бўлишига шубҳа қўйди. Шу пайтда «зангори кема»ларнинг қарийб ҳаммаси мавсумга тахт қилиб қўйилди. Ҳадемай, 1059 та пахта терим машинаси далага чиқди. 94 минг тонна, яъни ялпи ҳосилнинг 57 процентини машиналарда териб олиш кўзда тутилди.

Бу режани ўтган йиллардаги кўрсаткичлар билан таққослаганимиз ўзиёқ қийини мамнун этади. 1985-йилда машинада пахта терим 30, ўтган йили 26 процентга қилиб кетган эди. Бу йил бирдангига икки баравар ўсишга эришилди мўжизаларияпти.

Бунинг устига область агросаноат комитети қорозларда теримни ўтказишда ҳамма жиҳатлари ҳисобга олинган, йиғим-терим отрядларида ишловчилар солинганга назардан четда қолдирилмаган. Режалар аниқ экан, демак натижалар ҳам яхши бўлади, деган хулосага келиш мумкин.

Афсуски қороздаги аҳвол билан амалдагисини ўртасида жиддий фарқ бор экан. Навоий районидagi «СССР 60 йиллиги» совхозида 50 та пахта терим машинаси мавжуд. Уларнинг бор-йўғи 15 тасини ишлатиш режалаштирилди.

— Ўсимлик машинабон қилиб ўстирилмади, — деб изохлайди беш инженер Д. Жабооров. — Қўллаб пайкаллари ўт босган, 15 та машинанинг тўла ишлатиш учун майдон топиб берсак ҳам катта гап.

— Колхозимизда 18 та

терим машинаси бор, — дейди «Қизил октябрь» колхозини бош инженери У. Қиличев. — Шундан 13 тасини ишлатмоқчимиз. Қолганларига эҳтиёж йўқ.

Бу қаби фикрларни Навоий районининг, умуман областнинг қўшнча хўжаликларини раҳбарларидан эшитиш мумкин. Аммо бундай фактлар на РАПОлар, на область агросаноат комитети ҳисоб-китобларида ўз ифодасини топади. Улар ҳалигача қайси хўжаликда қанча машина мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси йиғим-теримда иштирок этади, деган ҳаёл билан юришибди.

Яна бир ташвишланарли томони, областдаги «зангори кема»ларнинг яридан кўпроғида ҳали мотор ўр-

ди ҳамки, машиналар мавсумга тўла тахт эмас. Юқоридаги камчиликлар шу кеча-кундузда рўй бермапти. Шундай бўлганда, ойлор мобайнида бажарилмаган ишнинг қандай қилиб санокли кунлар ичида амалга ошириш мумкин?

Яна бир мисол. Нормативларга мувофиқ ҳар бир машина билан ўртача 100 тонна пахта териб олинши керак. Областа бўлса бу «юк» 84 тонна қилиб белгиланган. Бунинг агросаноат комитети ҳодимлари реал аҳволга қараб иш тутяпти, деб изохлашди. Ундай бўлса районлар ўртасидаги тақсимот бутунлай бошқача. Навоий районидagi ҳар бир машина билан 75 тонна, Қизилтепада — 76, Навбаҳорда — 81. Хатирчида 93

тонна пахта терим режалаштирилган.

Демак, бир завод ишлаб чиқарган агрегатлар Хатирчи райони далаларида 93 тонна пахта териш мумкин, унга қўшни бўлган Навоий районидagi иш унуми 75 тоннадан ошмас экан! Бунинг устига ўтган йиллар натижаси ушбу фактнинг тексирисини кўрсатиб келмапти. Кейинги икки йилда навоийлик механизаторлар хатирчилик ҳаммасларига қараганда 30 процент кўп ҳосилни ўз агрегатлари бункеридан тўқибди.

Бу шунинг кўрсаткичи, гап «реал» аҳволда эмас. Аниқроғи, хўжаликларнинг фикрини ҳисобга олмайд, уларга белгиланган машина терим планларини мавжуд агрегатлар сонига таққослаб қўй қилинган. Ушбу фактнинг ўзиёқ область агросаноат комитети ҳамон эскича иш юритишдан қўтила олмаётганини кўрсатади.

Областада механизатор кадрлар малакасини ошириш, улар ишини тўғри ташкил этиш, социалистик мусобақани уюштириш, далада ишлатилганларга маданий-маиший шарт-шароит яратиш ҳақида ҳам ҳали кўп иш қилиниши лозим. Негаки, айтиш пайтда аксарият хўжаликларда бу масалаларга жиддий эътибор берилмапти.

Ўлкайида саҳий куз. Кўп ўтмай пахта йиғим-теримини авж олади. Навоий область механизаторларининг бу мавсумга тайёргарлиги қонқилар даражада бўлмапти, сўз билан иш бирлиги таъминланмапти. Бунинг оқибатида ўтган йиллардаги хатолар ана факторланмиш мумкин. Бу йил эса бунга йўл қўйиб бўлмапти.

А. ҚОРЖОВОВ.

Долзарб мавзуда

Сифатли дефолиация — самарадорлик гарови

Бу йил пахта йиғим-теримини механизациялашда кескин бўрилиш ясалди, терим техникасининг имкониятларидан го-яда самарали фойдаланишга эришилди лозим. «Зангори кема»лар иш унумини ошириш эса ғўза баргининг батамом тўқилишини таъминлашга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Шу хусусда музбиримиз К. Рихсиев «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси ўсимликларини ҳимоя қилиш бошқармаси бош-лигининг ўринбосари Маҳмуд ЗОҲИДОВ билан учрашиб, суҳбатладик.

— Маълумки, илгарилари республикамизнинг аксарият хўжаликларидagi ғўза баргини тўқитиришда анча заҳарли химикат ҳисобланган бутифосдан кенг фойдаланиб келинардик, — деди суҳбат бошида М. Зоҳидов. — Натижада қишлоқ аҳолиси ўртасида турли хил касалликлар кўпайди. Бу меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Ана шуларни ҳисобга олиб, бу йил ғўза дефолиациясини чоғида бутифосдан бутунлай фойдаланмаслик ҳақида қарор қабул қилинди. Энди ғўза баргини тўқитиришда хлорат мағний, хлорид-хлорид калий ва бутилкап-таксан кенг фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Айрим пахтакорлар, ҳатто мутахассислар бутифосдан бошқа препарат ғўза баргини тез ва бутунлай тўқа олмайди, деган сўзларини айтишляпти. Шу ҳақда қандай фикрласиз?

— Мен бунга мутлақо қўйилмайдим. Ўша пахтакорлар бутифосга шунчалик ўрганиб қолишганки, ундан бошқасини тан олгилари келмайди. Яна бошқа бир сабаби — бу йил кўзда тутилган дефолиантлар жойларда ҳам қўлланилган. Айрим қўлланилган ерларда ҳам уларни тайёрлаш, ғўзага сепиш технологияси бузилган. Шу сабабли баъзи одамларда хлорат мағний ва бошқа дефолиантларга нисбатан шубҳа уйғонган бўлиши мумкин. Агар тавсия этилаётган препаратлардан фойдаланиш қоидаларига тўла риоя этиладиган бўлса ғўза барглариининг сифатли тўқилишига эришил мумкин. Қўллаб хўжаликларнинг бир неча йиллик тажрибаси фикримизни тўла исботлаб турибди. Масалан, Оққўрғон районидagi Султон Сеғизбоев номли, Когон районидagi «Ленинград» совхозларида ғўза дефолиациясини дарида хлорат мағнийдан фойдаланиш олимлар тавсияси асосида олиб борилаётганлиги тўғрисида кўнгилдагидек самаратга эришилляпти.

— Бу йил қўлланиладиган дефолиантлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, фойдаланиш қоидалари ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз.

— Мавсумда дефолиация қилиниши лозим бўлган 1 миллион 531 минг гектар майдоннинг 1 миллион 141,2 минг гектарига хлорат мағний билан, 344,8 минг гектарига хлорат-хлорид калий, 45 минг гектарига бутилкаптакс билан ишлов бериш кўзда тутилган. Қўрииб турибдики, асосий майдонлардаги ғўзанинг барги хлорат мағний ёрдамида тўқилади. Шунинг учун бу химикат ҳақида кенгроқ тўқталиб ўтишга тўғри келади.

Хлорат мағний қаттиқ, кристалл шаклда бўлади. Сузда яхши эрийди. Ўсимликка пурқалганда жуذا тез таъсир этади. Дефолиация қилинган майдонларда инки кундан кейин ғўза барглари тўқила бошлайди. Бошқа дефолиантларнинг таъсири бирмунча секинроқ кечади ва барглариини тўқитиш кечроққа қўйилади.

Дефолиантларини тайёрлаш, уни ишлатиш қоидаларига қатъий амал қилинмасида кузланган натижага эришил мумкин. Аввало пурқаланидиган суқонқилининг қўнгилдагидек бўлишига эришил лозим. Бунинг учун химикатни сув билан тўла аралаштириш керак. Ақс ҳолда препарат идиш тўбига қўйиб, пурқалаётган дефолиант дозаси кам бўлиб қолиши ва кейинчалик ОВХ бакларига инкичинг маротаба унқилик солинганда унинг таъсир кучи ошиб кетиши мумкин. Бунда дастлаб ишлов берилган ердаги ғўза-

ларнинг барги тўқилмай қолади. Кейин ишлов берилган жойдаги ўсимликнинг юқори қисмидаги қўсақлар қовқираб, ҳосилдорлик пасайиб кетади.

— Маълумки, бу йил баҳорнинг серғини келиши чўғит экин муддатларини чўғит юборади. Табиий офатлар натижасида қатор майдонларга уруғлик қайта экилади. Натижада ўсимлик ривожда қоқоқлик юзага келади. Ҳатто айрим пайкалларда турли хил ривожла-нишдаги ғўзаларни учратиш мумкин. Шундай шароитда дефолиацияни қандай ўтказган маъну?

— Биринчи навбатда дефолиация қилинадиган майдонларни хўжаликларнинг мутахассислари кўздан кечириб чиқмоқлари ва ишлов бериш муддатларини белги-ламоқлари керак. Дори пурқаладиган ғўзалар биологик жиҳатдан етилган бўлиши лозим. Агар ўсимлик муддатидан ўтказиб дефолиация қилинса, унинг барглари тўқилмай қолади, вақ-тидан илгари ишлов берил-са, ҳосилдорлик пасайиб кета-ди. Шу тўғрисида ҳар бир майдонини дефолиация қи-лиш графикалари ҳозирданқ ишлаб чиқилимоғи даркор. Лозим бўлса, бир пайкалда-ги ўсимликларга табақалаш-тирилган ҳолда навбатма-навбат ишлов бериш тавсия қилинади.

Оптималь шароитларда ҳар гектар ердаги ғўзага ўртача 8—12 килограмм хлорат-мағний, 20—25 килограмм хлорат-хлорид калий, ин-гичка толали навлар учун 5 килограмм хлорат мағний-га 5 килограмм бутилкап-такс қўшиб ишлатиш мақ-садга мувофиқдир.

Дефолиациянинг сифати тупроқдаги нам миқдорига ҳам боғлиқ. Ишлов пайтида тупроқдаги нам 60—70 про-цент бўлса дефолиациянинг самарадорлиги таъминлана-ди. Шу сабабли ер қуруқ бўлса дори сепиш олдиндан енгил суғориш, агар нам кўп бўлиб, ўсимлик кучли ривож-ланган бўлса химикат доза-сини ошириш керак.

Дефолиацияни ўтказиш-да ҳаво ҳароратини ҳам ҳи-собга олиш керак. Ҳарорат қанча юқори бўлса химикат-лар ўсимликка шунча тез таъсир этади. Агар ҳаро-рат 17—18 даражадан паст бўлса, дефолиантлар доза-сини ошириш мумкин.

Дефолиантларнинг, ай-ниқса, хлорат мағнийнинг самараси пайкаллардаги ў-тин кўп еки қамлигига боғ-лиқ. Хлорат мағний бегона ўтга унча таъсир этмаслиги-ни асдан чиқармаслиғимиз лозим бўлади. Далаларда ишлов бериш олдиндан бего-на ўтлар йўқотилмаса, ке-йинчалик машина терими си-фати ва суруьатига катта за-рар етиши мумкин.

Бахтга қарши жойларда дефолиация ўтказиш му-ддатларини юқоридан туриб белгиланган яроқсиз прак-тика онда-сонда бўлса-да уч-раб турибди. Бунга асло йўл қўймаслик, муҳим тадбирин қай вақтда ўтказишни хў-жаликлар деҳқонлари, му-тахассисларига қўйиб бери-шиш, улардан фақат иш си-фати ва самарасини талаб қилишимиз лозим.

Ҳадемай далаларда ОВХ-лар, самолётлар иш бошлай-ди. Ғўза барглариини тўла тўқилишини таъминлаш ўзи-мига, муҳим нампанинга қанчалик пухта ҳозирлик қўришимиз ва дефолиация қилиш қоидаларига қанча-лик тўла риоя этишимизга боғлиқ. Шундай қилсак, ин-сон саломатлигига ва атроф-муҳитининг мусоффолигига путур етмаган ҳолда маши-налар учун кенг иш фрон-ти яратишга муваффақ бў-ламиз.

Ҳадемай далаларда ОВХ-лар, самолётлар иш бошлай-ди. Ғўза барглариини тўла тўқилишини таъминлаш ўзи-мига, муҳим нампанинга қанчалик пухта ҳозирлик қўришимиз ва дефолиация қилиш қоидаларига қанча-лик тўла риоя этишимизга боғлиқ. Шундай қилсак, ин-сон саломатлигига ва атроф-муҳитининг мусоффолигига путур етмаган ҳолда маши-налар учун кенг иш фрон-ти яратишга муваффақ бў-ламиз.

Ҳадемай далаларда ОВХ-лар, самолётлар и

